

Тавҳид қисмларига ҳокимиият тавҳидини қўшиш ҳукми

Савол: Аллоҳ сизга яхшиликлар ато этсин! (Савол берувчи) айтадики, Аллоҳ сизни афв қилсин, тавҳидга тўртинчи қисмини қўшадиган (одам) ҳақида нима дейсиз? Уни ҳокимиият тавҳиди деб номлади.

Жавоб: Айтамизки, у адашган, у жоҳил. Чунки ҳокимиият тавҳиди у Аллоҳ азза ва жалланинг тавҳидидир. Ал-Ҳаким – Аллоҳ азза ва жалладир. Агар айсангки: уламолар айтганидек, тавҳид уч тури бор. Рубубият тавҳиди, унда ҳокимиият тавҳиди рубубиятга кириб кетади. Чунки рубубият тавҳиди бу Аллоҳ азза ва жалланинг ҳукм қилиш, яратиш, тадбир қилишидир. Ушбу (ҳокимиият тавҳиди деган) сўз эса янги тўқиб чиқарилган мункар сўздир. Қандай қилиб ҳокимиият тавҳиди бўлсин?! Ҳокимииятни яккалаш мумкин эмас. Бунинг маъноси, дунё ҳокими битта бўлади деганими?! Нима унда? Бу янги тўқиб чиқарилган мункар қавл бўлиб, соҳибига рад этилади. Унга айтамизки: агар ҳукмни назарда туттан бўлсанг, Аллоҳнинг ҳукми ягона бўлиб, у рубубият тавҳиди остига киради. Чунки Роб – барча ишларда Холик, ал-Маалик, ал-Мудаббирдир. Ушбу (ҳокимиият тавҳиди) эса бидъат ва залолат. Ҳа (шундай).

Аллома Мұхаммад ибн Солих ал-Усаймин раҳимаҳуллоҳ

[«Лиқо баб ал-мафтуҳ» \(150\).](#)

[Юқлаб олиш \[mp3\]](#)

Манба: [Тавҳид форуми](#)